

## Роббимнинг неъматларини айтиб берай



08:00 / 21.05.2020 2166

Абу Яҳё Зухрийдан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ ибн Абдулазиз Умарий ўлими яқинлашган вақтда шундай деди: «Роббимнинг неъматларини айтиб берай: тонг отган ҳар бир кун борки, дарахтнинг пўстлоғини шилиб сотишдан топган етти дирҳам пулим бўларди. Роббимнинг неъматларини айтиб берай: агар дунё оёқларим остида бўлганда ҳам, ундан оёғимни тортиб олган бўлардим».

Абдураҳмон ибн Маҳдий айтади: «Ҳаммоод ибн Саламага «Эртага сиз вафот этасиз» дейилган тақдирда ҳам, кундалик қилиб юрадиган амалига бирор амални қўша олмас эди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**